
"Энг илғор теримчи"лар рағбатлантирилди

Айни кунларда Ўзбекистон туманида пахта йиғим-терими уюшқоқлик билан давом этмоқда. Ҳосилни йиғиб-териб олиш жараёнида эса теримчилар ва ҳашарчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказиб борилмоқда.

15-октябрь - "Халқаро қишлоқ аёллари куни" олдидан ташкилланган "Энг илғор теримчи" танлови ҳам юқори кўтаринкилидаги бўлиб ўтди.

Қолгандарё мавзесидаги "Маслаҳат Азиз" фермер хўжалигида ўтказилган танлов давомида туман ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Зулфияхон Саримсоқова барча иштирокчиларни байрам билан самимий қутлаб, уларга фаровонлик ва оиласвий баҳту-саодат тилади.

Танлов ғолиблари ва фаол иштирокчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди. Тадбирнинг бадиий қисмидаги концерт дастури эса барчага янада хуш кайфият улашди.

2024-10-14 10:29:27